

ҚЎЛ БАРМОҚ ИЗЛАРИ ОРҚАЛИ ОДАМ ЁШИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

*Аноров Асадбек Жўра ўгли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
3-ўқув курси 322-гуруҳ курсанти*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф дактилоскопияга оид маълумотлар келтирилган бўлиб, жиноятларни очиш ва тергов қилишда қўл бармоқ излари орқали одам ёшини аниқлаш усуллари ва ўзига хос жихатларини, адабиётларда мавзуга оид жумлаларни келтириб ўтиб мавзуни илмий таҳлил қилган.

Калит сўзлар: *папилляр нақшлар, умумий аломатлар, хусусий аломатлар, одам ёшини аниқлаш, дерма, эпидермис, локал из, латент из.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор представляет информацию о дактилоскопии и научно анализирует тему, приводя методы и особенности определения возраста по отпечаткам пальцев при раскрытии и расследовании преступлений, а также предложения по теме в литературе.

Ключевые слова: *папиллярные узоры, общие симптомы, специфические симптомы, определение возраста человека, дерма, эпидермис, локальный след, латентный след.*

ANNOTATION

In this article, the author presents information about dactyloscopy, and scientifically analyzes the topic by citing the methods and specific aspects of fingerprint age determination in crime detection and investigation, as well as sentences related to the topic in the literature.

Key words: *papillary patterns, general symptoms, specific symptoms, determination of human age, dermis, epidermis, local trace, latent trace.*

Дактилоскопик экспертизада папилляр чизиклар изларини аниқлаш, қайд этиш ва олиш жараёнининг ўзи, шунингдек ушбу изларни, келгуси экспертиза тадқиқотларини ўтказиш мақсадида сақланиши таъминлаш учун уларни ўрамига қўйиладиган талаблар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда муахассис сифатида иштирок этаётган эксперт-криминалист, папилляр чизикларнинг турли изларини белгиланган методика асосида сифатли аниқлаши, қайд этиши ва ушбу шароитларучун энг маъқул из нусхаларини кўчирувчи материалга олиши ҳамда дактилоскопик экспертизанинг

асосий субъекти сифатида, жинойтларни очиш ва тергов қилишни самарали таъминоти учун юксак маҳоратли бўлиш талабларига жавоб бериши жуда муҳимдир.

Одам тери қоплами (одатда бу кафт сирти бўлади) изларда акс этиши из қабул қилувчи объектлар сиртининг физикавий хоссалари ва тузилишига, из ҳосил қилувчи (тер–ёғ) моддаларнинг ҳолати, сифатий ва миқдорий таркиби ҳамда из ҳосил бўлиш механизмининг боша шароитларига боғлиқ бўлади.

Одам тери қопламининг муайян бир соҳаси таъсир кўрсатаётган объектларнинг физикавий хоссаларига боғлиқ равишда, одам тери қопламининг излари ҳажмий ёки сиртий, кўринувчан ва кўринмайдиган бўлиши мумкин.

Ҳажмий излар, асосан, юмшоқ ва эгилувчан материаллар (сарёғ, пластилин, парафин, юмшоқ тупроқ ва бошқалар)да қолади. Баъзида ушбу излар тўкилувчан моддалар (чанг, ун, кул ва шу кабилар)да ҳам ҳосил бўлиши мумкин, аммо бу каб излар кўп ҳоларда тадқиқот учун чроқсиз бўлади.

Из ҳосил қилувчи модда тер ажратмалари, ёғ моддалари ва ўлик эпидермис ҳужайраларидан иборат бўлади. Тер–ёғ ажратмалари таркиби ва уларнинг таркибий қисмларининг хусусиятларини билиш, из ҳосил бўлиш механизмини башорат қилиш ҳамда изларни аниқлаш а қад этишнинг энг маъқул усулларидан фойдаланиш имконини беради.

Кафт сиртида тер безлари жуда кўп жойлашган бўлади ва шунинг учун тананинг ушбу соҳасида тер ажралиши доимий юз беради. Тер таркибида турли моддалар мавжуд бўлса ҳам, уларнинг миқдори жуда оз бўлади. Изда қолган тернинг зич қолдиғи 0,3...0,8 % ни ташкил этади. Тернинг таркибий қисмлари органик ва ноорганик келиб чиқишга эга бўлиб, улар таркибининг тер ажралиши тезлигига нисбатан ўзгаришига кўра, тернинг таркибий қисмлари қуйидаги икки гуруҳга ажралади:

— миқдори тер ажралиши тезлигига тўғри пропорционал тарзда ўзгарадиган (яъни, ортиб борадиган) таркибий қисмлар (натрий, хлор);

— миқдори тер ажралиши тезлигига тескари пропорционал тарзда ўзгарадиган (яъни, камайиб борадиган) таркибий қисмлар (глюкоза, аминокислоталар, узул кислотаси, кальций, магний, креатинин).

Ундан ташқари, тер таркибига фосфатлар, сульфатлар, ёод ва темир киради, уларнинг миқдори тер ажралиш тезлигига боғлиқ эмас.

Кафт сиртида ёғ безлари бўлмади. Аммо, одам кундалик ҳаётида, ўзининг танасининг, сиртида ёғ ажратмалари мавжуд бўлган турли соҳаларига кўли билан таъсирлашади. Шунинг учун одамнинг кафтида ва бармоқларида муайян миқдордаги из ҳосил қилувчи модданинг асосини ташкил қиладиган ёғ моддалари мавжуд бўлади.

Сиртий изларнинг ҳосил бўлиши адгезия ҳодисасига асосланади. Адгезия ҳодисаси из ҳосил қилувчи моддага ҳам, из қабул қилувчи сиртга ҳам хос. Суёк ёки яримсуюқ ҳолатдаги моддалар юқори адгезион хусусиятларга эга бўлади. Ушбу моддалар таркибига одам тер қопламини юпқа пленка каби қоплаб турадиган тер–ёғ моддаси киради. Шунинг учун папилляр чизикларнинг (эпидермиснинг бўртиқ соҳаси сифатида улар 0,1...0,4 мм баландликка эга бўлади) бирорта буюм билан таъсирлашишида, из ҳосил қилувчи модданинг бир қисми, тери қопламининг сиртида ажралади ва из қабул қилувчи буюмнинг сиртига ёпишиб қолади. Из ҳосил бўлиш вақтида тери қопламининг алоҳида соҳалари (айниқса, бармоқ ёстикчалари), терининг эгилувчанлиги натижасида, айрим ҳолларда эзилади ёки чўзилади ҳамда папилляр чизиклар изларда бузилган ҳолатда акс этиши мумкин. Умуман, сиртий изларда тери қопламининг белгилари, муайян даражада бузилиш билан акс этади. Бунда, изларда бармоқ сирти рельефининг барча хусусиятлари эмас, балки икки ўлчамли (бир текисликда ётадиган тузилишининг) хусусиятлари акс этади.

Таъкидлаш жоизки, из эскиришига қараб, тер–ёғ моддалари куриб қолади ва шунинг учун ўзининг адгезион сифатларини йўқотади. Шу боисдан, эскирган изларни физикавий усуллар, хусусан дактилоскопик кукунлар билан ишлов бериб олиш қийин бўлади. Бу каби излар қуйидаги икки усул билан олнини мумкин: биринчиси, изни “янгилаш”, яъни изни (издаги тер–ёғ моддаларни) суюқ ёки ярим суюқ ҳолатга келтириш йўли билан; иккинчиси, изларга ишлов беришда фойдаланилаётган моддаларни адгезион хусусиятларини кучайтириш йўли билан. Тер–ёғ моддаларни “янгилаш”, изга (издаги тер–ёғ моддасига) нафас билан таъсир қилиш, сув, эфир ва спирт буғлари билан намлаш ва келугсида куритиш орқали амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Хасанов Ш.Х., Югай Л.Ю., Хусанов А.Д. Дактилоскопик экспертиза: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012.
2. Ш.А. Кунишев Дактилоскопик экспертиза: маърузалар тўплами Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.